

«ISSIQLIKELEKTRLOYIHA» AJ
акциядорларининг 2019 йил 1
августадаги навбатдан ташқари
умумий йиғилиши қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

Умумий йиғилиш раиси



**«ISSIQLIKELEKTRLOYIHA»
AKSIYADORLIK JAMIYATI
УСТАВИ
(янги тахрирда)**

ТОШКЕНТ 2019

МУҲДАРИЖА

1. Умумий қоидалар
2. Жамиятнинг юридик мақоми
3. Жамият фаолиятининг мақсади, предмети ва турлари
4. Жамиятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
5. Жамият устав фондининг миқдори, уни купайтириш ва камайитириш тартиби
6. Жамият акциялари, уларнинг номинал қиймати, уларни жойлаштириш тартиби ва эълон қилинган акциялар
7. Жамият акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
8. Жамият фойдасини, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби
9. Жамиятнинг захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби
10. Жамиятнинг бошқарув органлари
11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши
12. Жамиятнинг қузатув кенгаши
13. Жамиятнинг ижроия органи
14. Жамиятнинг тафтиш комиссияси
15. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш
16. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «ISSIQLIKELEKTRLOYINA» акциядорлик жамияти (*бундан буён матнда «Жамият» деб юритилади*) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2001 йил 10 октябрдаги 325к-ПО-сонли «ISSIQLIKELEKTRLOYINA» НИПНИ очик акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисида»ги бўйруғига асосан ташкил этилган.

1.2. Жамият даставвал Тошкент шаҳар, Миробод тумани Ҳокимининг 2001 йил 12 ноябрдаги 1957-сонли қарори билан рўйхатга олинган.

1.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2007 йил 9 февралда 686-сон реестр рақами, 2009 йил 9 ноябрда 686-сон реестр рақами ва 2014 йил 9 сентябрда 686-сон реестр рақами билан қайта давлат рўйхатидан ўтказилган.

1.4. Жамиятнинг ўзбек тили лотин алифбосида фирма номи:

- тўлиқ: «ISSIQLIKELEKTRLOYINA» aksiyadorlik jamiyati
- қисқа: «ISSIQLIKELEKTRLOYINA» AJ

Жамиятнинг ўзбек тили кирил алифбосида фирма номи:

- тўлиқ: «ISSIQLIKELEKTRLOYINA» акциядорлик жамияти
- қисқа: «ISSIQLIKELEKTRLOYINA» АЖ

Жамиятнинг рус тилидаги фирма номи:

- тўлиқ: Акционерное общество «ТЕПЛОЭЛЕКТРОПРОЕКТР»
- қисқа: АО «ТЕПЛОЭЛЕКТРОПРОЕКТР»

1.5. Жамиятнинг жойлашган жойи ва почта манзили: 100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 22-уй.

1.6. Жамиятнинг электрон почта манзили: ter@sk.s.uz; Жамиятнинг веб сайт манзили: www.ter.uz.

2. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

2.1. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик, жамиятнинг хўжалик фаолияти қайси давлатларнинг ҳудудида амалга оширилса, ушбу давлатларнинг қонунчилик, халқаро ҳуқуқ меъёрларига, шунингдек мазкур уставга мувофиқ амалга оширади.

2.2. Жамият ўзининг мустақил балансига ва ҳисобрақамига эга. Жамият ҳисобкитобларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ўз ишларини (*хизматларини*) сотиш жойларида, шу жумладан жамиятнинг хўжалик фаолияти амалга ошириладиган давлатлар ҳудудида жойлашган банкларда ва бошқа кредит муассасаларида валюта ва бошқа ҳисобрақамларни очиши мумкин.

2.3. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (*муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин*), ўз номи ёзилган штампи, бланкаларига, товар белгисига ва ўз тимсолига эга.

2.4. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.5. Давлат ва унинг органлари жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг

органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.6. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа усулларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

2.7. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.8. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонунчилик ва жамият уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

2.9. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида янги шўба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонунчилик ва жамият уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномсида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шўба корхоналар, филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, ушбу шўба корхона, филиал ва ваколатхона жойлашган мамлакат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, жамиятнинг кузатув кенгаши тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради.

2.11. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (*иттифоқлар*) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.12. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ, ПРЕДМЕТИ ВА ТУРЛАРИ

3.1. Жамият қуйидаги йўллар билан фойда олиш мақсадида ташкил этилади:

➤ энергетика соҳасида миллий, тармоқ ва ҳудудий дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш;

➤ энергия ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилиш режимларини оптималлаштириш;

➤ корхоналарнинг энергетик самарадорлигини ўрганишни ташкиллаштириш;

➤ энергетик жиҳатдан юқори самарали ва экологик соф ишлаб чиқариш ҳамда технологиялар ривожланишини лойиҳа олди ва лойиҳалаш босқичларида рағбатлантириш.

3.2. Жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

➤ энергетик (*ИЭМ, ИЭС, ЛЭП, ИМ, подстанциялар*), саноат (*шу жумладан қурилиш саноати объектлари*) ва фуқаро қурилиши соҳасида илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-қидирув ва конструкторлик-технологик ишларини, ёнғинга қарши тадбирлар ва ёнғинни автоматик ўчириш ва сигнализация воситаларини ўрнатиш билан бирга тўлик ҳажмда амалга ошириш;

➤ қурилаётган ва реконструкция қилинаётган иссиқлик, атом, гидравлик, электр станциялари, подстанциялар, электр ўзатиш линиялари учун қурилиш ва ишларни (*шу жумладан монтаж ишларини*) амалга ошириш ҳамда техник ёрдам кўрсатишни ташкиллаштиришни лойиҳалаш;

- муҳандислик-геодезия қидирувлари, муҳандислик-геология қидирувлари (*шу жумладан қазииш ишлари*);
- юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмалари бўйича энергетика ва унга ёндош саноат ишлаб чиқариши соҳаларида маслаҳат, метрологик ва эксперт ишлари;
- энергетик аудит ҳамда энерготехнологик объектлар ва жараёнлар паспортизациясини ўтказиш;
- табиий кўзатишларни бажариш ва фаолият юритувчи ҳамда қурилаётган объектларда мониторинг ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида сувни чучуклаштириш ва тайёрлаш бўйича экологик ҳамда гидротехника ишларини бажариш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида энергетика ва саноат объектларини лойиҳалаш, қуриш ва таъмирлашда табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ экологик ҳамда гидротехника ишларини бажариш;
- энергетик кадастрни яратиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;
- муаллифлик назорати;
- энергетик қурилиш соҳасида лойиҳалашнинг норматив базасини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- инжиниринг, илмий, тижорат, техник ва экологик маълумотларни тўплаш, сақлаш, ишлов бериш, муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва сотиш, технологиялар, ихтиролардан фойдаланишга доир патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари ва лицензияларини сотиб олиш ва сотиш;
- маркетинг, тижорат ва воситачилик фаолияти, корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларга пуллик хизматлар кўрсатиш;
- жамиятнинг моддий-техника ва ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, ривожлантириш, цехлар, участкалар, ўз корхоналари, таъмирлаш устахоналарини ташкил қилиш, ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш;
- амалдаги қонунчиликга зид бўлмаган ва жамиятнинг фаолият мақсадларига мос келадиган ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликга мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш, ускуналар, товарлар ва хизматлар импорти ҳамда экспортини белгиланган тартибда мустақил равишда амалга ошириш;
- ўзаро ҳисоб-китоб бўйича эркин нарҳда олинган халқ истеъмоли моллари, ишлаб чиқариш-техник мақсадларга мўлжалланган маҳсулотлар, ҳом ашё, материаллар, ускуналар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқаларни шартномавий асосда сотиш;
- қимматли қоғозлар, улушлар, пайлар билан ҳар қандай турдаги операцияларни, шу жумладан олди-сотди операцияларини амалга ошириш;
- зарур ҳолларда бошқа ташкилотлар, шу жумладан чет эллардан ходимларни жалб қилиш;
- қонунчиликга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ҳар қандай кўчар ва кўчмас мулк, ер участкаларини уларда жойлашган урмон, сув ва бошқа ресурслар, иншоотлар ва бошқа объектлар билан биргаликда мулк сифатида, номуайян муддатга фойдаланишга ёки ижарага олиш;
- жамият қонунчилиги билан таъқиқланмаган ва ушбу уставда кўрсатилмаган

ҳар қандай фаолият тури билан қонунчиликда белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

3.3 Махсус рухсатнома (*лицензия*) олишни талаб қиладиган фаолият турлари жамият шундай лицензия олганидан кейин амалга оширилади.

4. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун жамият қуйидаги ҳуқуқларига эгадир:

➤ жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан хорижий инвесторлар, пудратчилар, етказиб берувчилар билан ўз номидан битимлар, шартномалар тузиш;

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида қонунчиликда белгиланган тартибда мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни кулга киритиш, зиммасига мажбуриятлар олиш, судда, ҳакамлик ва арбитраж судларида жавобгар ва даъвогар сифатида иштирок этишга ҳақли;

➤ хом ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар, ускуналар, дастурлар ва бошқа маҳсулот, иш, ҳизматларни импорт бўйича сотиб олиш учун инвесторларнинг маблағларини, шу жумладан валюта маблағларини жалб қилиш;

➤ мустақил равишда маҳсулотлар ва хизматларга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини режалаштириш, ривожланиш истилболлари белгилаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишни таъминлаш, акциядорлар ва меҳнат жамоасининг шахсий даромадларини ошириш йўллари белгилаш;

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида миллий ва хорижий валютада банк ҳисобрақамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларидан фойдаланиш, ҳар қандай тўлов шакллари узатиш ва акцептлаш;

➤ ўз қимматли қоғозларини чиқариш;

➤ амалдаги қонунчилик ва ушбу уставга мувофиқ ўз қимматли қоғозларини қайтариб сотиб олиш;

➤ мустақил равишда ҳисоб-китобларни амалга ошириш, жамият томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тарифлар, нархлар ва баҳоларни белгилаш;

➤ мулк, қарзлар, камомадлар, бошқа йукотишларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликга мувофиқ мустақил равишда ўз балансидан чиқариш;

➤ ўзига тегишли мулк, интеллектуал ва саноат мулки, олинган даромадларига эгаллик қилиш. фойдаланиш ва тасарруф этиш;

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида инвестициялар ва реинвестицияларни амалга ошириш;

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ҳар қандай кўчма ва кўчмас мулкни қуриш, сотиб олиш, бегоналаштириш ва ижарага бериш;

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида филиаллар ҳамда ваколатхоналар очиш;

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган шуъба ва тобе жамиятлар ташкил қилиш;

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликга мувофиқ белгиланган тартибда тижорат, нотижорат ва жамоатчилик ташкилотларини тузиш, уларда монополияга қарши

қонунчиликга зид бўлмаган шартлар асосида иштирок этиш;

➤ ассоциациялар, иттифоклар, консорциумлар, акциядорлик компаниялари ва Жамиятларга, бошқа бирлашмаларга аъзо бўлиш;

➤ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликга зид бўлмаган фаолият турлари билан шуғулланиш.

4.2. Жамият ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги мажбуриятларга эга:

➤ ўз фаолиятини ва ҳуқуқарини амалдаги қонунчилик ва ушбу уставга катъий мувофиқ тартибда амалга ошириш;

➤ жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда, уларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш;

➤ жамият томонидан чиқарилган қимматли қоғозларларни тегишли тарзда рўйхатдан ўтказиш;

➤ акциядорларни ўз манзилининг ўзгаришлари тўғрисида хабардор қилиш;

➤ почта манзилининг ўзгаришлари тўғрисида давлат рўйхатидан ўтказиш органларини хабардор қилиш;

➤ Жамият:

➤ жамиятнинг уставини, жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

➤ жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;

➤ акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

➤ жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

➤ жамиятнинг йиллик ҳисоботини;

➤ эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

➤ акциялар эмиссияси рисоласини;

➤ бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

➤ тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

➤ жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси мажлисларининг баённомаларини, шунингдек жамият директорининг буйруқларини;

➤ жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатларини;

➤ жамият акциядорларининг реестрларини;

➤ жамият Тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

➤ жамият қонунчиликга ва ушбу уставга мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

➤ рўйхати, хажми, тақдим қилиш ва чоп этиш муддатлари амалдаги қонунчилик билан белгиланган бухгалтерия, статистика ва бошқа ҳужжатларни давлат ваколатли органларига тақдим этиш ва ўрнатилган тартибда ошкор этиш.

4.3. Жамият давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва солиқ сиёсатини амалга ошириш мақсадида ҳужжатларнинг (*бошқарув, молиявий-хўжалик, шахсий таркиб бўйича ва бошқалар*) сақланиши учун жавобгар ҳисобланади. Шахсий таркибга доир ҳужжатларни белгиланган тартибда сақлайди ва улардан фойдаланади.

4.4. Жамият акциядор ёки хар қандай манфаатдор шахснинг талабига биноан

уставда белгиланган муддатларда уларга жамият устави, шу жумладан, унга доир ўзгартишлар ва кўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Жамият акциядорнинг талабига биноан жамиятнинг амалдаги Уставидан нусха олиб бериши шарт. Хужжатлар нусхалари учун жамият томонидан олинадиган ҳақ уларни тайёрлаш ва почта орқали жўнатиш харажатларидан юқори бўлиши мумкин эмас.

4.5. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этилиши мумкин эмас.

4.6. Жамиятнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари жамиятнинг тижорат сирини ошкор қилганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4.7. Жамиятнинг тижорат сирини тоифасига киритилган ахборот билан жамиятда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик жамият бошқаруви томонидан белгиланади.

5. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КУПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

5.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

5.2. Жамиятнинг устав фонди миқдори 801 285 000 (*саккиз юз бир миллион икки юз саксон беш минг*) сўмни ташкил этади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан Жамият таъсис хужжатлари қайта рўйхатга олинган санага белгиланган расмий курси бўйича (*1 АҚШ Доллари – 1 632,49 сўм*) 490 836,08 АҚШ Доллари эквивалентига тенг бўлиб, ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (*бир минг*) сўм бўлган 801 285 (*саккиз юз бир минг икки юз саксон беш*) дона эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз шаклдаги акциялардан иборат.

а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш

5.3. Жамиятнинг устав фонди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.4. Кўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

5.5. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.6. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

5.7. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

5.8. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини кўпайтириш

тўғрисидаги қарордир.

5.9. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.10. Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

5.11. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.12. Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

5.13. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.14. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.15. Агар Устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори қонунчиликда белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, Жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

5.16. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

6. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР

6.1. Жамият томонидан 801 285 дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

6.2. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир.

6.3. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки

жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

6.4. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

6.5. Жамият акцияларининг номинал қиймати 1 000 (*бир минг*) сўм

6.6. Жамият уставида жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (*бир минг*) сўм бўлган 1 500 000 (*бир миллион беш юз минг*) донга эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

6.7. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошладиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

6.8. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

7. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Жамиятнинг акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш.

7.2. Акциядорлар қонунчиликга ва ушбу уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

7.3. Жамият акциядори жамият акциялари берадиган ҳуқуқларни (*ҳуқуқларнинг бир қисмини*) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (*вакиллари*) бериш ҳуқуқига эга.

7.4. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

7.5. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу уставга мувофиқ

акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқини беради.

7.6. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

7.7. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

7.8. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

➤ ушбу уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;

➤ ушбу уставда назарда тутилган чегараларда, жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсунуш;

➤ жамиятнинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қилмаслик.

7.9. Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашушга ҳақли эмас.

7.10. Акциядорлар ушбу уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

8. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан сўнг, жамият фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган фойда жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

8.2. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (*ёки*) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

8.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

8.4. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

8.5. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (*ёки*) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

8.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

8.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

8.8. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

8.9. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

8.10. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

8.11. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

8.12. Жамият:

- жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

8.13. Ушбу уставнинг 8.12. бандида кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

9. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Жамият соф фойдаси хисобидан:

- захира фонди;

- жамият кузатув кенгаши томонидан аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондлар тузилади.

9.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

9.3. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

9.4. Жамият устав фондининг 15 (*ўн беш*) фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

9.5. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 9.4. бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорда ажратмалар ўтказилади.

9.6. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

10. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

10.1. Жамиятни бошқариш органларига қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи.

11. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

11.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир..

11.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

11.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиши шарт.

11.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (*бундан буён матнда директор деб юритилади*) билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи ва ўн учунчи хатбошларига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

11.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

11.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (*ахборотнинг*) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

11.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш (*жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно*);

б) жамиятни қайта ташкил этиш;

в) жамиятни тугатиш, тугатувчини (*тугатиш комиссиясини*) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) жамиятнинг устав фондини камайтириш;

ж) ўз акцияларини олиш;

з) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, жамият директорини сайлаш (*тайинлаш*) ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

и) жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

к) жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

л) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

м) дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш, дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;

н) жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг ҳулосаларини эшитиш;

о) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддаси назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

п) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

р) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

с) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

т) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

у) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (*шартномани бекор қилиш*) тўғрисида қарор қабул қилиш;

ф) қонунчиликда ва ушбу уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

11.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

11.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, жамиятнинг устав фондини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалалар бундан мустасно.

11.10. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонунчиликда ва ушбу уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (*оддий кўпчилик*) овози билан қабул қилинади.

11.11. Ушбу уставнинг 11.7. бандидаги а), б), в), д), н), с) ва т) қисмларида

кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (*малакали кўпчилик*) овози билан қабул қилинади.

11.12. Ушбу уставнинг 11.7. бандидаги а), ж), м) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат кузатув кенгашининг таклифига биноан қабул қилинади.

11.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

11.14. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якуналари қонун ҳужжатларида ҳамда жамият уставида назарда тутилган тартиб ва муддатларда, бироқ бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

11.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

11.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

11.17. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (*акциядор*) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 60 кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

11.18. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (*акциядорларнинг*) ёзма талаби асосида ўтказилади.

11.19. Жамиятнинг тафтиш комиссияси ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (*акциядорлар*) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

11.20. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами элик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (*уларнинг вакиллари*) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (*кворумга эга*) бўлади.

11.21. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

11.22. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (*уларнинг вакиллари*) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

11.23. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йиғирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади

11.24. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

11.25. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчиликда ва жамиятнинг "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги низоми билан тартибга солинади.

12. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

12.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ушбу устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

12.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

а) жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

б) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

в) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

д) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва қатнашиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

е) ушбу уставнинг 11.7. бандидаги а), ж), м) қисмларида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

ж) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

з) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;

и) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

к) жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан

эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

л) аудиторлик текширувини ўтказиш (*мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно*), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (*шартномани бекор қилиш*) тўғрисида қарор қабул қилиш;

м) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

н) жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

о) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

п) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

р) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

с) жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

т) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

у) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

ф) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

х) жамиятнинг устав фондиди кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондиди кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

ц) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (*қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш*) нархини белгилаш;

ч) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ш) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

щ) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ы) қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

э) аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

12.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

12.4. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари қонунчиликда ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

12.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган

тарзда қайта сайланиши мумкин.

12.6. Жамият директори ва унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (*контракт*) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

12.7. Айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (*контракт*) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

12.8. Жамият кузатув кенгашининг миқдор таркиби 4 (*тўрт*) кишидан иборат;

12.9. Жамият кузатув кенгашининг раиси, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

12.10. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

12.11. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, агар жамият уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

12.12. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

12.13. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, жамият директори, ички аудит хизматининг бошлиғи, шунингдек ушбу уставда белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

12.14. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

12.15. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда ва ушбу уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

12.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

12.17. Ушбу уставнинг 5.4. банди ва 12.2. бандининг у), х) ва ч) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

12.18. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

12.19. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

12.20. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

12.21. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

12.22. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сирtdан овоз бериш йўли билан (*сўров йўли билан*) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир

овоздан қабул қилиниши мумкин.

12.23. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

13. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

13.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи (*Директор*) томонидан амалга оширилади.

13.2. Жамият директорининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

13.3. Жамиятнинг директори акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

13.4. Жамиятнинг директори жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

13.5. Жамиятнинг ижроия органларини тузиш ҳамда жамият директорини сайлаш ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра амалга оширилади.

13.6. Жамият директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

13.7. Жамият директорини сайлаш қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

13.8. Жамият директори билан меҳнат шартномасини жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

13.9. Жамият ходимлари ушбу уставга ва амалдаги қонунчиликга мувофиқ жамият директори билан меҳнат шартномасини тузадилар.

13.10. Жамият директори ушбу устав ва “Ижроия органи тўғрисида”ги низом асосида иш олиб боради.

13.11. Жамият директорининг мажбуриятлари ва ваколатларига қўйидагилар киради:

- а) ўзининг ваколатлари доирасида жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- б) ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол – мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;
- в) жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- г) жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

д) банкларда ҳисобрақамлар шу жумладан валюта ҳисобрақамларини очиш ва жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади.

е) ўзининг ваколатлари доирасида, жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолаш ва битимлар тузиш;

ж) жамият ходимларини ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ва бошқа лавозимга ўтказиш тўғрисида бўйруқ чиқариш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш ва интизомий жазо чораларини солиш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш, бунда Жамият директори ўринбосари, молия директори, техника директори, бош бухгалтер, филиал ва ваколатхона директорларини лавозимга тайнлаш жамият кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

з) ўз ваколати доирасида жамият номидан ишончномаларни бериш, шу жумладан ўзига берилган ишончномани бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқи билан ишончномаларни бериш;

и) жамиятнинг барча ходимлари шу жумладан филиаллари ва ваколатхоналари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бўйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

к) жамият кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда ёхуд агар кузатув кенгишининг қарори билан унга шундай ваколат берилган бўлса мустақил равишда Жамиятнинг шу жумладан жамият филиалари ва ваколатхоналарнинг штат рўйхатини ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тасдиқлаш;

л) жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

м) жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

н) жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

о) жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш бўйича ишларни амалга ошириш;

п) қонунчиликга мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

р) жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;

с) давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

т) жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати жамият директори томонидан белгиланади;

у) хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари

томонидан сақланишини таъминлаш;

ф) жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

х) жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;

ц) ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг Умумий йиғилишига ва жамият кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

ч) Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

ш) ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

ш) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигга, ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

13.12. Жамиятнинг директори, қонунчилик, ушбу устав ва жамиятнинг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (*ваколат*) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.13. Жамият директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

13.14. Жамият директори қонунчиликга ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

13.15. Директор томонидан ушбу устав ва меҳнат шартномаси шартлари кўпол равишда бузилса ёхуд жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсаткичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва ўзининг ҳаракатлари (*ҳаракатсизлиги*) натижасида жамиятга келтирилган зарарлари сабабли у билан тузилган шартнома жамият кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

13.16. Жамият директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолда, унинг вазифасини вақтинча бажаришни жамият кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ тайинланган шахс олиб бориши мумкин.

14. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

14.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 йил муддатга 3 (*уч*) кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

14.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет 3 (*уч*) мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

14.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколати доирасига қўйидагилар киради:

➤ жамиятнинг молия – хўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича, ўзининг, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёхуд жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра текшириш;

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериш;
- амалдаги қонунчилик ва ушбу уставга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;
- амалдаги қонунчилик ва ушбу уставга мувофиқ жамият кузатув кенгашининг мажлисларини чақирилишини талаб қилиш;
- тафтиш комиссияси, қонунчилик, ушбу устав ва «Тафтиш комиссияси тўғрисида» ги низомга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14.4. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Тафтиш комиссияси тўғрисида” ги Низомда белгиланади.

14.5. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

14.6. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек жамиятда меҳнат шартномаси (*контракт*) бўйича ишлаши мумкин эмас.

14.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра пафтиш комиссия хулоса тузади, бу хулосада:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонунчилик бузилганлиги факлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

14.8. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонунчилиكنинг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда Жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу Уставнинг 14.7. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

14.9. Жамиятнинг тафтиш комиссияси қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилишга ҳақли.

15. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (*жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш*) ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

15.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49 – 52 моддалари, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуннинг 92 – 97 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

15.3. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб

бўлади.

15.4. Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилади:

➤ акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;

➤ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликга мувофиқ суд қарорига асосан;

➤ амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа сабабларга асосан.

15.5. Жамиятни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53 – 56 моддалари, шунингдек “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуннинг 98 – 101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

16. ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ УСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ

16.1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида жамият кузатув кенгаши томонидан жамият уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

16.2. Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

16.3. Агар ушбу уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидалар ҳаракатини тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

16.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчиликда ва ушбу уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик қоидалари қўлланилади.

16.5. Жамиятнинг ушбу устави давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2014 йил 9 сентябрда 686-сон реестр рақами билан рўйхага олинган жамият устави ва унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Директор



Шаисматов С.Э.



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ISSIQLIKELEKTRLOYIHA" Aksiyadorlik jamiyati Qo'shma korxon

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ISSIQLIKELEKTRLOYIHA" AJ QK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

09.02.2007

686

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

201052199

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirobod tumani, Shaxrisabz ko'chasi, 22-uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):





Сведения об изменении субъекта предпринимательства юридического лица

05.08.2019 г

	До изменений	После изменений
1	Наименование юридического лица - субъекта предпринимательства 201052199, ISSIQLIKELEKTRLOYINA	Наименование юридического лица - субъекта предпринимательства <i>Без изменений</i>
2	ОПФ Акционерное общество	ОПФ <i>Без изменений</i>
3	Адрес осуществления деятельности город Ташкент, Мирабадский район, Shaxrisabz ko'chasi, 22-uy,	Адрес осуществления деятельности город Ташкент, Мирабадский район, Shaxrisabz ko'chasi, 22-uy
4	ОКЕД	ОКЕД Деятельность в области архитектуры

Учредители до изменения

Тип учредителя	ИНН учредителя	Ф.И.О. / Наименование	Сумма	Доля
Физическое лицо	0	JISMONIY SHAXSLAR - (AA0000000)	28 110 000.00	3.5 %
Юридическое лицо	0	O`ZBEKENERGO AJ	178 545 000.00	22.3 %
Иностранное юридическое лицо		INTERTEXELEKTRO AJ	594 630 000.00	74.2 %

Тип учредителя	ИНН учредителя	Ф.И.О. / Наименование	Сумма	Доля
Уставный фонд 801 285 000.00 UZS				100.0 %

Учредители после изменения

Тип учредителя	ИНН учредителя	Ф.И.О. / Наименование	Сумма	Доля
Физическое лицо	0	JISMONIY SHAXSLAR - (AA0000000)	28 110 000.00	3.5 %
Юридическое лицо	201122696	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGI	178 545 000.00	22.3 %
Иностранное юридическое лицо		INTERTEXELEKTRO AJ	594 630 000.00	74.2 %
Уставный фонд 801 285 000.00 UZS				100.0 %

город Ташкент, Мирабадский район, ЦЕНТР ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ

Подпись: 42675.DOSTONBEK ARSLONOV SHUHRAT O'G'LI

